

МИРЗО УЛУФБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ

**ЎЗБЕКИСТОН ЭТНОЛОГИЯСИНинг  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Тошкент  
«Adabiyot uchqunlari»  
**2017**

развития полигэтнического общества ..... 134

### **III БОБ. ЭТНОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ТАРИХШУНОСЛИГИ**

<b>Хўжахонов И.М.</b> XIX – XX аср бошларида ўзбекларнинг этник идентиклиги муаммолари рус тадқиқотчилари талқинида	143
<b>Хидирова Н.Ў.</b> Ўрта Осиё аёллари ҳаёти ва фаолияти хорижликлар нигоҳида (XIX – XX аср бошларига оид айrim эсадаликлар ва вақтли матбуот нашрлари асосида) .....	148
<b>Махкамова Н.</b> Женщина и ислам в Туркестанском крае.....	159
<b>Шигабдинов Р.</b> Ногай-курган – 200 лет истории: от Кокандского ханства до современности .....	167
<b>Германов В.А.</b> Академик М.С.Андреев, первый ректор и устроитель Туркестанского восточного института .....	172
<b>Раҳматуллаев Ҳ., Аширов А.</b> Ўзбек халқи этнографиясини ўрганишда ўчмас из қолдирган олимма .....	184
<b>Халмуратов Б.</b> Хорижий тадқиқотларда шомонлик муаммоси .....	190
<b>Мўминова Г.</b> Халқ табобати масаласининг ўрганилишига доир .....	198
<b>Жуманазаров Х.С.</b> Ўзбек халқ табобати анъаналарининг тарихий манбаларда акс этиши .....	205

### **IV БОБ. АНЬАНАВИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ УРФ-ОДАТЛАРДАГИ ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР**

<b>Аширов А.А.</b> Фаргона водийси аҳолисининг сув билан боғлиқ қарашлари .....	213
<b>Зунунова Г.Ш.</b> Обрядовая трапеза узбеков в контексте социальных связей .....	224
<b>Азимова Н.Х.</b> Народные методы лечения бесплодности у узбеков .....	233
<b>Юн Ши Не.</b> Ўзбек ва корейс халқларининг қиши билан боғлиқ маросимларида ижтимоий ҳаёт .....	239
<b>Пайзиева М.Х.</b> Ўзбекларнинг хотирлаш маросимлари: анъанавий ва трансформацион жараёнлар .....	247

## ЎЗБЕК ХАЛҚ ТАБОБАТИ АНЬАНАЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА АКС ЭТИШИ

Ўзбек халқ табобатига доир анъаналарини ўрганишда тарихий манбаларда зикр этилган маълумотлар муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Хусусан “Авесто”, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит-турк”, Абу Райхон Берунийнинг “Сайдана”, Ибн Синонинг “Тиб қонунлари”, Захириддин Мухаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” каби кўплаб манбаларни тилга олишимиз мумкин. Ушбу манбаларда халқ табобатига доир: ташхис қўйиш, дори тайёрлаш, умумий даволаш усуллари ва табиб бўлиш учун қўйилган талаблар, табобатда устоз-шогирдлик каби анъаналарни, тиббий билимларни кўришимиз мумкин. Қуйида ушбу манбаларда ўзбек халқ табобати анъаналарининг ёритилишини кўриб чиқамиз.

Марказий Осиё халқларини тарихида муҳим ўрин тутувчи “Авесто”да табиблиқ илми, табибларнинг иш ҳаки ҳамда мустақил фаолият юритиши учун бажариладиган амаллар батафсил келтирилган. “Авесто”нинг Венидат қисмига келтирилган 22-бобнинг деярли ҳар бирида ўз даврининг табобатига оид масалалари кўтарилилган<sup>432</sup>. Жумладан, табиблар даволаш усулларига қараб бир неча гуруҳга ажратилган: яхши рух, илоҳий кучни даъват этиш кўмагида даволовчилар, ўз илм кучи билан муолажа қилувчилар, бошқа бир гуруҳ табиблар тиф билан фаолият юритувчилар ҳамда турли-туман гиёҳлардан тайёрланган малҳамлар воситасида даволовчилар<sup>433</sup>.

<sup>432</sup> Раҳимов Раҳим. “Авесто” ва табобат // Гулистон. 1983. №16. – 25-б.

<sup>433</sup> Хобеков И. “Авесто” ва табобат // <http://uzbegim.us/archives/3020.07/02/201>.

Халқ орасида табиблик касби ниҳоятда улуғланиб, табиб бўлиб етишган шахс қаттиқ ҳурмат қилинган. Табиблар халқ ишончини йўқотмаслик мақсадида ўз шогирдларига нисбатан талабчан бўлишган, сабаби ўша шогирд хато муолажа қилиб бу касб обрўсини хавфга қўйиши, устози яратган мактабга нисбатан салбий фикр шаклланишига сабаб бўлиши мумкин эди. Бўлажак табибларнинг мустақил иш бошлиши учун маҳсус имтиҳон ташкил қилинган ва улар имтиҳондан ўтиш учун уч марта уриниб кўришган. Агар шогирд синовдан муваффақиятли ўтса, табиблик касбини давом эттирган. Бордию имтиҳон жараёнида муваффақиятсиз харакат қилса, тажрибали табиблар томонидан унга бошқа касб танлаши маслаҳат берилган.

Бундан ташқари, “Авесто”да турли гиёҳлар, касаллик номлари ҳам келтирилган бўлиб, даволаш жараёни мураккаб бўлган касалликларни бартараф этиш табибларнинг ўзаро маслаҳати асосида амалга оширилган<sup>434</sup>. Бу ҳолат бугунги кунда замонавий тиббиётда ҳам қўлланилади. Бу даврда ҳақ тўлаш пул шаклида бўлмаганлиги сабабли, табиблик хизмати товар кўринишида адо этилган. “Авесто”да келтирилишича, табиб хизматга нарх белгиланаётганда bemornining моддий аҳволи, касалликнинг тури (офир ёки енгиллиги) ҳам инобатга олинган ва қўй, эчки, эшак, тую, сигир, бия каби чорва моллари инъом этилган.

Бундан ташқари, “Авесто”да табиб шахсига қўйилган талаблар ҳам борки, улар бугунги кунда нафақат табиблар, балки тиббиёт ходимлари ҳам амал қилиши лозим бўлган анъанага айланган. Жумладан, табибларнинг маънавий, руҳий дунёси мукаммал бўлиши, эътиқоди мустаҳкам, турмуш тарзи ва эгнидаги либоси доимо озода сақланиши ҳамда тиббий анжомлари тозаланган ҳолда шай туриши лозим.

<sup>434</sup> Ҳомидий Ҳ., Дўсчонов Б. “Авесто” ва тиббиёт. Т. 2001. – 23-б.

Табиб ушбу касбий ва маънавий қиёфаси билан аввало, беморга ўрнак бўлишга ҳаракат қилган.

“Авесто”нинг қимматлилиги шундаки, ўзбекларнинг табобат илми ва табиблар фаолиятига доир барча билимлар бундан бир неча асрлар аввал пайдо бўлганинг исботидир. “Авесто”да келтирилган тиббий билим ва қоидаларни бугунги кун соҳа мутахассислари томонидан қабул қилинганини кўришимиз мумкин ва бу ҳолат табобатга оид анъаналарнинг вақт синовидан ўтганлигини кўрсатади.

Кейинги манба – Махмуд Қошғарийнинг “Девону лугатит турк” асари бўлиб, унда туркий халқларнинг этнографияси, лаҳжалари, турли касбларга оид сўзлар мужассам бўлган. Асарда табобатга оид 70 та сўз келтирилган бўлиб<sup>435</sup>, ушбу маълумотларни касб атамалари, тиббий жиҳозларнинг номланиши, гиёҳ ва касаллик номлари каби гуруҳларга ажратиш мумкин. Жумладан, туркий халқлар орасида “табиб” атамаси *отачи*<sup>436</sup>, эмчи<sup>437</sup>, *атасағун*<sup>438</sup> кўринишида учраши келтирилган. Бугунги кунда Марказий Осиё ва бошқа туркий халқларнинг тилида “Эмчи” атамаси “даволовчи” ёки “табиб” маъносида қўлланиб келинади.

Асарда табибларнинг даволаш усуллари ва шу йўлда фойдаланилган жиҳоз номлари хам санаб ўтилган. Масалан, қон олиш амали хақида бир қанча қимматли маълумотлар учрайди. Китобда бу сўз “қанади”<sup>439</sup>, “чэкди”<sup>440</sup> каби кўринишида келтирилган. Қортук, қорук, соргу атамалари эса қон олишда қўлланиладиган жиҳоз номлари сифатида талқин қилинган. Табобатда бугунги кунда хам қортук (кортик) сўзи қон олиш амалини англатади. Асарни

<sup>435</sup> Иброҳимов С., Асомуддинов М. XI асрдаги туркий тилларда касб-хунаратамалари ва уларнинг “Девону лугатит турк”да акс этиши // Ўзбек тили ва адабиёти. 1971. № 5. – 58-б.

<sup>436</sup> Махмуд Қошғарий. Девону лугатит турк. Т., 1960. Т. 1. – 71-б.

<sup>437</sup> Махмуд Қошғарий. Ўша асар. – 74-б.

<sup>438</sup> Махмуд Қошғарий. Ўша асар. – 114-б.

<sup>439</sup> Махмуд Қошғарий. Ўша асар. Т. 3. – 289-б.

<sup>440</sup> Махмуд Қошғарий. Ўша асар. Т., 1963. Т. 2. – 29-б.

ўрганиш жараёнида халқ табобатига оид турли атама (терминология)лар тарихи, қўлланилиш ўрни ва айрим хусусиятлари борасида маълумотлар оламиз. Бундан ташқари, ушбу асар қадимдан туркий халқларнинг ўзаро маданий алоқаларини ва тиббий анъаналарнинг моҳияти ҳақида қимматли маълумотни ўзида мужассам этган.

Табобатга доир асарларда нафақат даволаш ёки ташхис кўйиш анъанлари ҳақида, балки табибнинг зарур қуроли бўлмиш доривор гиёҳлар, дори турлари ҳамда тайёрлаш усуллари борасида ҳам маълумотлар учрайди. Ана шундай манбалардан бири Абу Райҳон Берунийнинг “Сайдана”<sup>441</sup> асаридир. Муаллиф асарда Шарқ табобатида доришуносликнинг аҳамияти ва унга хос бўлган анъаналарни келтириб ўтган. Жумладан, 65 та табиб<sup>442</sup> ҳамда 1000 дан ортиқ ўсимлик ва ҳайвонлардан олинадиган дориворларга<sup>443</sup> атрофлича търиф беради. Муаллиф табиблар мушкулини осонлаштириш мақсадида дориворларни бир неча тил ва шеваларда номланишини ҳам келтиради. Ушбу масаланинг долзарблигини тасдиқлаш мақсадида бир гиёҳни қидирган табиб ва айнан шу гиёҳни бошқача атайдиган сотувчи ҳақидаги хикояни мисол келтиради<sup>444</sup>. Асарда тилга олинган дориворлар ва айрим дori тайёрлаш жараёнлари бугунги кунда ҳам халқ табобатида кенг қўлланилади. Табиблар гиёҳларнинг тиббий хусусиятларини ўрганиш ва мураккаб дориларни тайёрлаш ҳақидаги билимларни бевосита Абу Райҳон Беруний асаридан ўрганиши мумкин. Берунийнинг ушбу асари доривор гиёҳларнинг турли тилдаги номланиши борасида асарлар яратиш анъанасини бошлаб берди.

Шарқ табобатини дунёга таратган юртдошимиз Ибн Сино асарларида халқ табобатига доир барча анъаналар

<sup>441</sup> Қаранг: Абу Райхан Беруни. Китаб ас-Сайдана фи-т-тибб. Исслед., перев., примеч. и указ. У. Каримова. Т., 1972.

<sup>442</sup> Абу Райхан Беруни. Ўша асар. – 57-б.

<sup>443</sup> Шарқ табобати. Нашрга тайёрловччи X. Ҳикматуллаев. Т.: “Абдулла Қодирий”, 1994. – 40-б.

<sup>444</sup> Пирматов М. Беруний ва табиат шифохонаси // Мозийдан садо. 2000. № 4. – 41-б.

илмий асослаб берилган. Алломанинг “Тиб қонунлари” асари жаҳонда машҳур бўлиб, унда тиб илмининг ўзига хос хусусиятлари, инсон танасида кузатиладиган касалликлар ва сабаблари, уларни даволаш усуллари ҳамда содда ва мураккаб дориларни тайёрлаш каби тиббий билимлар баён қилинган. Ибн Сино ўз асарида соғлиқни сақлаш, тозалик (гигиена), тўғри овқатланиш каби тадбирларга катта эътибор қаратган<sup>445</sup>. Бу фикрлар ҳозир ҳам ўз кучини йўқотмаган. Китобда илгари сурилган бадантарбия машқлари Ибн Сино айтган барча ёшдагилар учун фойдали эканлиги бугунги кун олимлари томонидан тан олинган. Алломанинг содда ва мураккаб дорилари ҳозир нафакат табобатда, балки замонавий тиббиётда ҳам кенг қўлланилади. Уларни тайёрлаш усуллари ва керакли анжомлар эса ҳозиргacha сақланган ва дунёнинг турли мамлакатларида асосий дарслик сифатида айнан “Тиб қонунлари” асари қўлланилади.

Темурийлар даврида барча соҳаларда бўлгани каби табобат ва тиб илми борасида ҳам ривожланиш кўзга ташланди. Соҳибқирон Амир Темур “Темур тузуклари”да “Салтанатимни 12 тоифадаги кишилар билан мустаҳкамладим, саккизинчи тоифа – ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар ва муҳандисларки, улар салтанат корхонасига ривож берувчилардир. Уларни ўз атрофимга тўпладим. Ҳакимлар ва табиблар билан иттифоқда bemорларни даволатар эрдим” деб ёзди<sup>446</sup>.

Амир Темурнинг табибларга бўлган муносабати унинг авлодлари даврида ҳам давом этади. Жумладан, Захириддин Муҳаммад Бобур ҳам ўз саройига замонасининг кўзга кўринган табибларини таклиф қилган. “Бобурнома” асарида ҳам темурий хукмдор ўзи чалинган баъзи хасталиклар ва

<sup>445</sup> Каримов У., Ҳикматуллаева Ҳ. Абу Али Ибн Сино ва унинг “Тиб қонунлари” ҳақида / Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. 1-жилд. Т., 1993. – 5-б.

<sup>446</sup> Темур тузуклари. Т., 1996. – 81-84-б.

уларнинг муолажаси хусусида тўхталади<sup>447</sup>. Бундан ташқари, китобда муаллиф ўзи хукмронлик қилган худудларнинг иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, жумладан, Ҳиндистонда ўсадиган доривор гиёҳлар ҳақида қимматли маълумотлар беради<sup>448</sup>. Асарда ўз даврининг буюк табиби Юсуфий номи ҳам хурмат билан тилга олинади ва уни Хуросондан ўз саройига чақириб олганлиги келтирган. Демак, Бобур Мирзо саройида бошқа касб-хунар эгалари қаторида табобат вакиллари ҳам алоҳида эътиборда бўлган. Асарни синчиклаб ўқиб, муаллиф табибу ҳакимлар салоҳиятини тўғри баҳолай оладиган даражада етук тиббий билимга эга бўлган, дея хулоса қилиш мумкин.

Темурийлар даврида яшаб фаолият юритган улуғ шоир Алишер Навоий “Махбуб ул қулуб” асарининг 15-бобини табобат илми ва табиблар фаолиятига бағишилаган. Навоий табиблар фаолияти ҳамда табиблик касбини эгаллаш учун зарурий илмий ва маънавий билимларга алоҳида тўхталиб ўтади. “Табиб агар ўз касбига моҳир бўлса-ю, аммо ўзи бадфеъл, бепарво ва қўпол сўз бўлса, bemорни ҳар қанча муолажа қилганда ҳам бари бир унинг мижозида ўзгариш пайдо қила олмайди” – дейди<sup>449</sup>. Фикрни давом эттирас экан билимсиз ва қўпол табибларни жаллодга қиёслайди ва жаллод тиғ билан ўлдирса, бундай табиб заҳар билан ўлдиришини айтиб, “хеч бир гуноҳкор жаллод кўлида хор бўлмасун, ҳеч бир бегуноҳ касалманд бундай табибларга зор бўлмасун” – дейди<sup>450</sup>. Нўноқ табиб нафақат ўзига нисбатан, балки табиблик касбига нисбатан ҳам салбий фикрни юзага келтиради. Шу сабабли, табиблик касбига қўйилган талаб ва бажарилиш лозим бўлган анъаналар бекаму-кўст адо этиш барча даврлар табобатининг долзарб масаласи хисобланади. Навоийнинг бу фикрлари нафақат

<sup>447</sup> Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т., 1989. – 215-б.

<sup>448</sup> Захириддин Муҳаммад Бобур. Ўша асар. – 259-265-б.

<sup>449</sup> Алишер Навоий. Махбуб ул-қулуб. Т., 1983. – 25-б.

<sup>450</sup> Алишер Навоий. Ўша асар. – 25-26-б.

табиблар, балки бошқа касб эгалари учун ҳам дастур ул-амалдир.

Хонликлар даврдида бевосита давлат раҳбарларининг ушбу соҳага ҳомийлик қилиши натижасида табобат илми янги ривожланиш босқичига чиқкан ва табобатга оид турли манбалар ва адабиётлар яратилган.

Хива хони Абулғозий ибн Араб Муҳаммадхон (хукмдорлик йиллари 1644–1663) билимдон тарихчи, моҳир шоир, тажрибали табиб ҳам эди. Унинг табобатга оид “Манофиъ ул-инсон” (“Инсон учун фойдали дорилар”) асарида ҳалқ табобатининг бой тажрибалари кенг ҳалқ оммасига тушунарли тилда баён этилган. Муаллифнинг бошқа бир машҳур асари “Шажараи тарокима”да табобатнинг ўша даврдаги аҳоли баён қилинган: “Ўн олти орқа (авлод) тўрт юз йилда, ҳарчанд кўп бўлса, тўрт юз эллик йилда ўтар... Ҳар минг йилда кирқ орқа (авлод) ўтса керак”<sup>451</sup>. Демак, ўша давр одамлари ўртacha 25-30 йил умр кечирган. Хива хони табиблар ва тиббий адабиёт етишмаслигини бунга асосий сабаб деб кўрсатади ҳамда табиблик билан шуғулланиб тўплаган тажрибалари асосида юкоридаги асарини ёзади.

Абулғозийнинг “Манофиъ ул-инсон” асарининг тадқики табобатда кенг қўлланиладиган дори-дармонлар борасидаги тасаввурларни кенгайтиради. Муаллиф ҳар бир дорининг аниқ дозаси, уни тайёрлаш усули ва истеъмол қилиш қоидаси ҳамда сақлаш йўлларини аниқ кўрсатиб берган. Умуман, XVII аср Хоразм давлатида табобатнинг аҳволи ва ривожланиш даражасини кўрсатувчи бундан бошқа мукаммал асарни келтириш мушкул.

Ўз даврида турли фан соҳалари қатори табобатни ҳам ривожлантиришга ҳисса қўшган хукмдорлардан бири Сайид Субҳонқули Мухаммад Баҳодирхондир (хукмдорлик йиллари 1681-1702). Субҳонқулихон фаолияти

<sup>451</sup> Абулғозий Баҳодирхон. Шажараи тарокима. Т., 1995. – 66-б.

даврида табибларга алоҳида ғамхурлик қилган ва ўзи ҳам табобатга оид рисола ёзиб колдирган. “Аҳиё ат-тибб Субҳоний” (“Субҳонқулининг табобатни жонлантириши”) асари Шарқ табобатининг бошқа манбалари каби касалликларга карши қўлланадиган содда ва мураккаб дориларга бағишлиланган. Асарнинг муқаддима қисмида инсон табиати, табибнинг бурч ва вазифалари, саломатликка таъсир қилувчи омилларга алоҳида эътибор каратилган, шунингдек, саломатликни саклашга доир қоидалар ва мижоз тушунчаси муфассал ёритилган. “Аҳиё ат-тибб Субҳоний” рисоласи Ўзбекистонда халқ табобати анъаналарига оид қимматли манбалардан саналади. Ушбу асарнинг бизгача етиб келган нусхалардан бирини 1797 йилда Ўзбек Хўжа Мир Ҳайдарий кўчирган.

Манбалар ўрганилаётган муаммонинг пайдо бўлиш сабаблари, ривожланиш босқичлари ҳамда замонавий кўриниши борасида яхлит фикр билдириш учун тарихий асос бўла олади. Тарихнинг турли соҳаларида бўлгани каби этнологик тадқиқотларда ҳам ўрганилаётган муаммонинг манбашунослиги ўша мавзунинг тарихий киёфасини акс эттиришга хизмат қиласди.

Халқ табобати анъаналарига доир манбаларни таҳлил қиласди эканмиз, унда табобатга оид анъана ва тиб илмининг шаклланиши ва одамлар турмуш тарзида тутган ўрни каби масалаларни хронологик кетма-кетликда ўрганиш имконига эга бўламиз. Турли сиёсий вазиятлар, географик жойлашув ҳамда иқлимнинг ўзгариши ҳам халқ табобатида ўз аксини топади. Шу сабабли, бу анъаналар мазмунан бой, тарихан қадимий ва илмий асосга эга. Ўзбек халқининг табобат анъаналарига доир яна кўплаб манбалар борки, уларни ўрганиш орқали тарихнинг маълум даврида табобат анъаналарининг аҳволи, жамият хаётида тутган ўрни, табобат вакиллари фаолияти каби масалаларни ечимини ўзида акс эттирганлигини кўриш мумкин.